

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

«ТЕХНИКА» ФАКУЛЬТЕТИ

«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

факультет декани
К. ҚОСИМОВ

«__»____ 2012 й.

«ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ»

кафедра мудири
Н.ХАЛИЛОВ

«__»____ 2012 й.

**“АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА МЕҲНАТ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШДА КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИНИНГ ЎРНИ”
МАВЗУИДАГИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Техника” факультети, “Иқтисодиёт” йўналиши
4-курс талабаси Маъмуров Элёр Анварбекович

ИЛМИЙ РАҲБАР: и.ф.н., катта ўқитувчи И.Ю.Умаров

МАСЛАҲАТЧИЛАР: и.ф.н., катта ўқитувчи Д.Исроилова
катта ўқитувчи Н.Халилов

ТАҚРИЗЧИЛАР:

1. Андижон вилояти статистика
бошқармаси бош мутахассиси _____

2. Андижон шаҳар статистика бўлими бошлиғи _____

АНДИЖОН-2012 й.

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
«ТЕХНИКА» факультети, «ИҚТИСОДИЁТ» кафедраси,
«ИҚТИСОДИЁТ» йўналиши 2 гуруҳ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
кафедра мудири
Н.Халилов

«__» ____ 2011й.

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Маъмуров Элёр Анварбекович

1. Битирув ишининг мавзуси “Андижон вилоятида меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишда кичик бизнес корхоналарининг ўрни” №5-сонли «5» декабр 2011й. кафедра мажлисида маъқулланган.
2. Битирув ишни топшириш муддати “__” «____» 2012 й.
3. Битирув ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар иқтисодий адабиётлар ва “Андижон вилояти иқтисодиёт бош бошқармасининг уч йиллик ҳисобот маълумотлари”
4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати)
 - 2.1.1-жадвал. Андижон вилоятида янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес субъектларининг улуши
 - 3.1.1-жадвал. 2011 йилда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари (БК ва АИМКМ) томонидан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизмат кўрсатиш турлари (минг киши)
 - 3.2.1-жадвал. Республика ЯИМда ҳудудлардаги кичик корхоналарнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушининг истиқболда ўсиб бориши (фоиз ҳисобида)
 - 2.2.3-жадвал. Корхона ишчи ходимлари ҳаракатининг динамикаси
 - 1.3.2-жадвал. Аҳоли бандлигини иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимоти (% ҳисобида)
 - 3.1.2-жадвал. 2011 йилда Андижон вилоятида яратилган иш ўринлари сони, бирлик
 - 3.2.2-жадвал. Истиқболда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик корхоналари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши (млн. сўм ҳисобида)
5. Чизма ишлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилади)
 - 2.1.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улуши
 - 1.3.1-расм. Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлашнинг яхлит тизими.
 - 1.3.2-расм. Иқтисодиётнинг нодавлат ва давлат секторларида иш билан банд бўлган аҳоли сони.
 - 3.1.3-расм. Касаначи ҳуқуқлари ва имтиёзлари
 - 3.1.4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилган иш ўринлари, бирлик

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчи(лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф. и. ш.	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1.	Кириш	И.Умаров	20.12.2011	04.01.2012
2.	Меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишда кичик бизнес субъектларининг назарий асослари	Н.Халилов И.Умаров	06.01.2012	26.02.2012
3.	Андижон вилоятида меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишда кичик бизнес корхоналари таҳлили	И.Умаров Д.Исроилова	28.02.2012	16.04.2012
4.	Андижон вилоятида банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ва кичик бизнес субъектларини ривожлантириш истиқболлари	И.Умаров Н.Халилов	18.04.2012	04.05.2012
5.	Хулоса ва таклифлар	И.Умаров Д.Исроилова	12.05.2012	30.05.2012

7. Битирув ишини бажариш режаси

№	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1.1.	Меҳнат салоҳияти ва кадрлар салоҳиятининг иқтисодий мазмуни ҳамда ўзига хос хусусиятлари	10.01.2012	
1.2.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни ва уни давлат томонидан қўллаб қувватланиши	17.01.2012	
1.3.	Республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва уни ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар	25.02.2012	
2.1.	Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти таҳлили	14.03.2012	
2.2.	Кичик бизнес субъектлари корхоналарида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ишчи кучи билан таъминланиш таҳлили	14.04.2012	
2.3.	Кичик бизнес субъектлари корхонасида кадрлар салоҳияти таҳлили	18.04.2012	
3.1.	Андижон вилояти бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар	15.05.2012	
3.2.	Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари	30.05.2012	

Битирув иши раҳбари

И.Ю.Умаров

(ф.и.ш.)

(имзо)

Топшириқни бажаришга олдим Э.Маъмуров

(ф.и.ш.)

(имзо)

Топшириқ берилган сана «15» декабр 2011 йил

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	5
I-БОБ.	МЕҲНАТ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1.	Меҳнат салоҳияти ва кадрлар салоҳиятининг иқтисодий мазмунни ҳамда ўзига хос хусусиятлари.....	9
1.2.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни ва уни давлат томонидан қўллаб қувватланиши.....	18
1.3.	Республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва уни ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар.....	25
II-БОБ.	АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА МЕҲНАТ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ ТАҲЛИЛИ	
2.1.	Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти таҳлили.....	32
2.2.	Кичик бизнес субъектлари корхоналарида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ишчи кучи билан таъминланиш таҳлили.....	38
2.3.	Кичик бизнес субъектлари корхонасида кадрлар салоҳияти таҳлили.....	43
III-БОБ.	АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАР ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	
3.1.	Андижон вилояти бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар...	47
3.2.	Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари.....	54
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	58
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.....	60
	ИЛОВАЛАР.....	63

КИРИШ

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Иқтисодийнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланган кичик бизнес соҳаси жадал ривожланиб бормоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳоли пул даромадларини ўсиши, инновацион фаолиятни ривожланиши ҳамда инвестиция жараёнларини кучайиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Худудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди”¹. Аммо, таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда кичик бизнес корхоналарининг ҳозирги аҳволи ва самарадорлиги, иқтисодий структурасидаги ўрни мамлакатимиз эҳтиёжлари ва имкониятларига мос эмас. Жумладан, кичик корхоналарнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан ички бозорни тўлдирилмаганлиги, уларнинг умумий сонидан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар сонининг камлиги, жумладан, хом-ашё, кредит ресурсларидан, асбоб-ускуна ва материаллардан, ишлаб чиқарган маҳсулотларини бозорга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

чиқариб сотиш имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаётганликларида намоён бўлмоқда. Ушбу сабаблар кичик корхоналарнинг юқори самара билан фаолият юритишига тўсиқ бўлмоқда. Вилоятимизда меҳнат ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳисобига кичик бизнес корхоналарини ривожлантириш масаласи, биринчи навбатда, бу соҳада кадрлар салоҳиятини замонавий талаблар асосида тайёрлаш, меҳнат бозорида ёш тадбиркорлар улушини ошириш, улар фаолиятини кенгайтиришга йўналтирилаётган маблағлар ҳажмини кўпайтириш даркор. Бу ҳол эса кичик бизнес корхоналарида замонавий техника ва технологияларни ишлатувчи кадрларга бўлган салоҳиятни ошириш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқишни, уни ривожлантириш имкониятларини аниқлашни талаб этади.

Меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишда кичик бизнес корхоналарининг ўрни аниқловчи бир қатор муаммолар хорижий ва мамлакатимиз олимларининг илмий тадқиқот ишларида илгари сурилган. Умуман олганда, тадбиркорлик бўйича илмий-амалий масалалар М.Фридман, Дж. Стенворд, Дж.Уилсон, Фань Чуньон, Т. Накадзава, З.К. Бок каби хорижий олимлар томонидан ишланган.

Фундаментал тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида чуқур баён қилинган. Шунингдек, республикаимизда фаолият кўрсатаётган олимлардан. Ф.Муллажонов, А.Ўлмасов, Э.Акрамов, Қ.Абдурахмонов, Х.Абулқосимов, Р.Хасанов, В.Тен, Э.Эгамбердиев, Э.Махудов ва бошқалар ўзларининг илмий асарларида, мақолаларида, матбуотдаги чиқишларида тўхталиб ўтишган².

Айни пайтда республика ҳудудларидаги кичик бизнес корхоналарида кадрлар салоҳияти, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш тўғрисида юзага келаётган муаммолар ҳусусида чуқур изланишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг асосий мақсади меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишда кичик бизнес корхоналарини ҳозирги ҳолатини ўрганиш,

² Ф.Муллажонов, «Ўзбекистон банк тизими: эркинлаштириш ва ривожлантириш истикболлари», «Бозор, пул ва кредит» журналы, 2003 й., 8-сон, - Б. 3., В.Тен, Н.Зияева, «Кредит и его роль в экономическом росте», «Бозор, пул ва кредит» журналы, 2003 й., 7-сон, - Б. 11., Ф.Каримов, Э.Махмудов, «Малому бизнесу – новый импульс», «Менинг мулким – Частная собственность» газетаси, 2005 й., 10-сон, - Б. 5.

уларни кенгайтириш имкониятларини тадқиқ этиш асосида такомиллаштиришга қаратилган илмий хулоса ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Илмий иш олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- меҳнат салоҳияти ва кадрлар салоҳиятининг иқтисодий мазмуни ҳамда ўзига хос хусусиятлари ўрганиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни ва уни давлат томонидан қўллаб қувватланиши;

- республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва уни ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти таҳлили қилиш;

- кичик бизнес субъектлари корхоналарида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ишчи кучи билан таъминланиш;

- кичик бизнес субъектлари корхонасида кадрлар салоҳияти таҳлил қилиш;

- Андижон вилояти бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар бўйича илмий амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

- Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари аниқлаш.

Андижон вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари ва меҳнат ресурслари тадқиқотнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Битирув малакавий ишини тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги илмий янгиликлар ишлаб чиқилди:

- меҳнат салоҳияти ва кадрлар салоҳиятининг иқтисодий мазмуни ҳамда ўзига хос хусусиятлари очиб берилди;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни ва уни давлат томонидан қўллаб қувватланиши бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди;

- республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва уни ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди;

- аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти таҳлил қилинди;

- кичик бизнес субъектлари корхоналарида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ишчи кучи билан таъминланиш масалалари ўрганилди;

- кичик бизнес субъектлари корхонасида кадрлар салоҳияти ўрганилиб, таҳлил қилинди;

- Андижон вилояти бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар бўйича илмий амалий таклифлар ишлаб чиқилди;

- Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари аниқланди.

Ишнинг таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми ____ бет бўлиб, __ та жадвал ва __ та расмни ўз ичига олган.

I-БОБ. МЕҲНАТ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Меҳнат салоҳияти ва кадрлар салоҳиятининг иқтисодий мазмуни ҳамда ўзига хос хусусиятлари

Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш фаолиятини ривожланиши кадрлар масаласига боғлиқ ҳолда олиб борилади. Шунинг учун кичик бизнес субъектлари фаолиятининг ташкил этиш асосан кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнига мослаштириш масалаларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида кичик бизнес корхоналари фаолиятини кўрсаткичлари давлатимизда фаолиятни ташкил этишдаги кадрлар масаласи ва ҳуқуқий кафолатининг самараси сифатида эътироф этилади.

Маълумки, Президент Ислон Каримовнинг республикамызда кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътиборни қаратмоқда. Жумладан, энг аввало “салоҳият” тушунчасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, «яширин имкониятлар, қувват, куч» маъносини англатади. Бошқа адабиётларда эса салоҳият тушунчаси латинча *potentia* сўзидан олинган бўлиб, у “қобилият, меҳнатга яроқлилиқ, лаёқатлилиқ” маъноларини билдиради. Кадрлар салоҳияти эса – меҳнат захираси ёки имкониятидир. Унда меҳнат ресурсларининг сони, таркиби, маълумот даражаси, профессионал кўникмаси ва меҳнат қобилияти акс этади.³

Меҳнат салоҳияти – меҳнат имконияти, қуввати, меҳнат билан боғлиқ кучларнинг мавжудлигидир.⁴ Ходимнинг меҳнат потенциали – унинг қурби етадиган фаолият қобилияти, меҳнат соҳасидаги ресурс имкониятларидир. Меҳнат потенциали инсон потенциалининг бир қисмисидир, чунки у фақат

³ Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. –Тошкент, Меҳнат, 2004, -135 бет.

⁴ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти(назария ва амалиёт). Дарслик. –Тошкент, -Меҳнат, 2004. 215 б.

меҳнат соҳасини тавсифлайди. Корхонанинг меҳнат потенциали- жамоа рўйхат таркибининг ялпи ресурсидир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, меҳнат салоҳияти ва меҳнат ресурсларини бир-биридан фарқ қилади деб бир қатор иқтисодчилар таъкидлаганлар. Шунинг учун Россиялик академик А.И.Абалкин салоҳият ва ресурс тушунчаларини бир-бирига карама-қарши қўймайди. У бу тушунчаларни бирини иккинчиси тўлдиради деб таъкидлайди. Меҳнат салоҳияти тўғрисида карашларнинг биринчи йўналиши унга «ресурс сифатида» қараб, жамият эгалик қилган меҳнат ресурсларининг меҳнатга лаёқатли қисми, меҳнат қилиш ёшидан ўтганлар ҳам меҳнат салоҳиятини ташкил этишини таъкидлайди. Буларга В.Г. Костаков, Л.С. Чижова, МДУ профессорлари Р.П. Колосова ва Л.Э.Кунельский каби рус иқтисодчилари, Украиналик олим Н.В. Коровяковскаяни келтириш мумкин. Л.С. Дектябрь эса жамият меҳнат потенциали ва меҳнат ресурслари ўртасида фарқ йўқ деб билади.⁵

А.С. Панкратова ва Р. А. Убайдуллаевалар меҳнат салоҳиятига «омиллар бўйича» ёндашиб, улар қуйидагича таърифлайди: “ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи шахсий омил билан таъминлаш имкониятини миқдорий таърифлайдиган тушунча деб билади ва уни миқдор ва сифат томонларини мужассамлаштириб, яъни социал, жинси, ёши билан бирга таълим, билим даражаси, касб малакаси, шахсий сифатлари, маҳоратга эга бўлиши кераклигини кенгроқ ёритиб бердилар”.

Меҳнат салоҳияти мавзуси ҳалигача мунозарали масала бўлиб, бу ҳақда фикрлар хилма-хиллиги ҳалигача мавжуд.

Юқорида келтирилган фикрлар макродаражада бўлиб, микродаражада, яъни корхона мисолида кўрадиган бўлсак, корхонанинг кадрлар салоҳияти – бу корхона ишчи ходимларининг ёши, жисмоний ва психологик соғлиғи, шахсий сифатлари, умумтаълим ва профессионал тайёргарлиги, профессионал ўсиш қобилияти, меҳнатга муносабати, мутахасислиги бўйича

⁵ Ўша ерда 216–бет.

иш стажы, оилавий шароитларини ўз ичига олувчи меҳнат фаолиятида иштирок этиш имконияти ва чералари йиғиндисидир.

Демак, корхона кадрлар салоҳияти – корхона ходимларининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ифодалар экан.

Корхонада кадрлар салоҳиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Хох у миқдор жиҳатдан, яъни экстенсив йўл билан, хох у сифат жиҳатдан – интенсив йўл билан бўлсин.

Кадрлар салоҳиятининг юқори сифатини таъминлаш ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошликни ҳал қилувчи омилидир. Унга қилинган ҳаражатларни камайтирилиши лозим бўлган чиқимлар эмас, балки Р. Лайкерт таъкидлаганидек, узок муддатли инвестициялар деб қаралиши тўғри бўлади.

Ҳозирги даврда, канчалик билими кучли, малакали, маҳоратли, қоилиятли ишчи-ходимни ишга қабул қилинмасин, у ўзининг илк сифатини йўқотади. Ҳаммага маълумки, илмий-техникавий ахборотлар ҳажми ҳар 8 йилда ўзгаришлар шунчалик тез содир бўлмоқдаки, мутахасисларнинг муҳандислик билими 6-8 йилда эскирмоқда.⁶ Ишлаб чиқаришни автоматлаштирилиши ишчиларга бўлган талабни камайтирмай, аксига ишлаб чиқаришнинг инсон омилини кучайтирди. Ишлаб чиқаришнинг интенсификацияси, мутахасисликларнинг чуқурлашуви ва жадаллашуви, якуний маҳсулот сифатини унга жалб этилган меҳнат сифатига боғлиқлиги – замонавий корхоналарнинг фарқли томонидир.

Кўриниб турибдики, кадрлари салоҳиятини айнан сифат даражасини ошириш, бошқача қилиб айтганда, кадрлар квалификацияси (малакаси)ни ошириш муҳимдир.

АҚШда мутахасисларни қайта ўқитиш учун иш вақтининг 15-20 %и ажратилади. Мутахасис ўз квалификациясини профессионал фаолияти давомида 5-8 марта ошириши лозим.

⁶ Экономический вестник Узбекистана 1-2/2003 44-стр.

Ғарбий Европа ва Японияда раҳбарлар ва мутахассислар 3-5 ва 3-6 йилда квалификациясини ошириб боради. МДХ давлатларида бу кўрсаткичлар анча паст. Россияда бу кўрсаткич 7-8 йилни кўрсатади.⁷

Мамлакатимизда шунинг ҳам узлуксиз таълим бўйича (жумладан ишлаб чиқаришда) катта аҳамият берилмоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни қабул қилиниши билан ҳам кўриш мумкин.

Инсон капитали назарияси тарафборлари Г.Беккер ва Т. Шульц айнан таълим – меҳнат унумдорлигини доимий ўсишининг асоси деб билади, чунки таълим ва қайта ўқитиш учун қилинган инвестиция кадрлар салоҳияти даражасига таъсир этади.⁸ Шунинг учун кадрларнинг доимий равишда малакаси, билим ва тажрибасини ошириб бориш зарурдир.

Корхонанинг янги техника ва технологиялар билан жиҳозланиши ходимларнинг юқори касбий-малакавий даражада бўлишини талаб этади. Касбий фаолият, фақат ишлаб чиқариш ва техника масаларининг ечимидан иборат эмас, балки ижтимоий, иқтисодий, тижорий, ҳуқуқий ва бошқарув масалаларининг амалга оширилишида иштирок этиши билан ҳам боғлиқ бўлиб, корхона кадрлар сиёсатининг стратегик вазифаларидан бири рақобатбардош ходимларни тайёрлашдан иборат.

Раҳбар ходимларнинг компетенция, яъни маълум бир ташкилотда бирон касб бўйича ва айна лавозимга хос фаолиятни муваффақиятли амалга ошириши учун зарур билим, касбий-малака ва кўникмалар мажмуига эга бўлиши кузланган натижаларга эришишни таъминлайди.⁹

Кадрларни салоҳиятини оширишни муҳим йўналишларидан бири бу – аттестация. Бу тадбирни моҳияти ва мақсадини ҳеч ким тушунмайди. Уни а) бюрократик тартибот б) хаддан зиёд мураккаб ва в) компания учун бефойда тадбир деб ҳисоблайдилар.

⁷ Экономический вестник Узбекистана 1-2/2003 44 – стр.

⁸ Человек и труд 1/2008 29 – стр.

⁹ Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома №12 2008 йил 31-бет.

У ходимларни меҳнат унумдорлигини бошқариш усули сифатида бутун фаолиятдаги юксак кўрсаткичлар асосига айланиши мумкин. Агар тўғри қўлланилса, соғлом ва сермахсул меҳнат муносабатларини ривожлантиришда ёрдам берадиган фойдали тадбирдир. Бош мақсад – бу баҳо беришдир. Шу билан у аниқ вазифаларни ҳал этишда ёрдам беради. (уша ерда 29бет)

Кадрлар квалификациясини ошириш ва қайта ўқитишда қуйидаги мақсадли масалаларни кузда тутиш керак:

- замонавий бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи, рақобатчиларни илгарилаб утиш даражасида профессионал даражани ошириш;
- янги лавозимни эгаллаганларни уқитиш;
- профессионал маданиятни ошириш(хорижий тил, компьютер, иш юритиш ва х.к.);
- кадрлар резервини тайёрлаш;
- бошқарув қобилиятини ошириш;
- ходимларни профессионал рейтингини ошириш;
- аттестация ёрдамида билимни баҳолаш.

Буларни бажаришда Укув маркази ва бўлими, унинг мутахассислари иш олиб боради. Айтиш жоизки, бўлим ва бўлинмалардан фақат 1-2 кишини уқитиш ҳеч қандай самара бермайди. Куп ҳолларда укув жараёнида устоз сифатида бўлинманинг малакали ходимлари қатнашади.

Хозирда корхона учун маълум ишчини танлаш иш фаолиятини муваффақиятининг 1-босқичи, ҳолос. Корхона асбоб-ускуна, техника-технологиялари учун амортизация ажратмаларини ажратиб, уни такомиллаштириб бораркан, уз ива ишчиларининг манфаатини кузлаган ҳолда доимий равишда ишчиларнинг малакаси ва қобилиятини ошириб бориши керак.

Илк бора 1795 йил «Baulton&Watt» компанияси томонидан трейнинг амалга оширилган бўлиб, уни кенг куламда куллаш XIX асрдан бошланган.¹⁰

Трейнинг – юқори малакага эга бўлган, янги туб узгаришларга мослаша оладиган, корхонанинг самарадорлигини таъминлайдиган кадрларни тайёрлаш, яъни кадрларнинг малакаси, билими ва салоҳиятини ошириш оркали иш фаолиятини самарадорлигини ошириш дастури.¹¹

АҚШ йирик компаниялари трейнинг учун 30 млрд. доллар, умумий тушумнинг 1-2 %ини сарфлайди.

Трейнингнинг асосий мақсади, аввало, ишчига янги мутахассисликни эгаллаб олиш имкониятини яратиб бериш, ҳар хил мураккаб вазифаларни урганиш, ҳамда корхонанинг иш самарадорлигини ошириш, яъни уқитиш нафақат касбий қайта тайёрлашга, балки доимий ривожланишга имкон берадиган қобилият ва малакалар мажмуини таъминлашдир.

Трейнинг корхона ходимлари уртасидаги меҳнат муносабатларини ижобий шаклланишига бевосита таъсир этади. Трейнинг утказиш оркали ишчининг иш жойини саклаб қолиш ва буни кафолатлаш, корхонада хизмат мартабалари бўйича усиш имкониятлари, фойда олиш, ўзига ўзи ҳурмат, ҳамда бор имкониятларини амалда қўллаш каби ижобий натижаларга эришилади.

Юқорида келтирилган барча чора-тадбирлар кадрлар балласти, яъни ўзининг профессионал ва малака ҳарактеристикалари бузица ташкилот ривожланиш талабларидан орқада қолувчи персоналнинг энг кам махсулдор ва истиккболли қисмини камайитиришга ва суперкадрлар, яъни ташкилот жамоасининг энг кузга қуринган ва буюк вакиллари, юқори интеллектуал, инновацион, ижодий, илмий, маъмурий қобилиятлари билан фаркланувчи катламнини қупайтиришга қаратилган.

Ахборот технологиялари рақобатга қуйидаги уч йўналишда сезиларли даражада таъсир этадилар.

¹⁰ Иқтисодиёт ва таълим №1 2002 йил 21-бет

¹¹ Уша ерда.

- тармоқ таркибини ўзгартирадилар ва янги рақобат қонуниятларини белгилайдилар;

- компанияларга рақобатчиларга нисбатан ишлаб чиқаришда ўтиб кетиш имкониятларини бериш ҳисобига рақобат устунлигини вужудга келтирадилар;

- янги бизнес фаолияти турларини яратадилар;

Ахборот комуникация технологиялари компаниялар фаолиятини юритиш услубларини ўзгартиради. Ахборот комуникация технологиялари маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этиб, ишлаб чиқарилган товарлар, хизматларни ва мавжуд ахборотларнинг жисмоний мазмунини ўзгартиради.

Тадбиркорлик иқтисодий категория сифатида ўз тарақиётининг барча даврларига ҳос назарий ечимига ва тегишли таърифларига эга бўлишини тақозо қилади. Ҳозирги кунда қатор иқтисодчи олимларнинг тадбиркорлик тушунчаси бўйича билдирган фикр - мулоҳазаларини умумлаштирган ҳолда тадбиркорликнинг қуйидаги талабларини инобатга олиш лозим.

Биринчидан, тадбиркорлик — бу тадбиркорлар фаолияти бўлиб, бу фаолият тадбиркорлар ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади.

Иккинчидан, тадбиркорлик ҳамиша янгиликларни, янги имкониятларни ишга солувчи, уларни излаб топишга қаратилган фаолият бўлиб ҳисобланади.

Учинчидан эса, тадбиркорлик ташаббускорлик ва талабчанлик билан таваккал қилиб, ўз мулкӣ жавобгарлиги асосида жамият эҳтиёжига мос товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарадиган, сотадиган ва шу йўл билан ўзининг фойда олишини таъминлашга қаратилган фаолият сифатида намоён бўлади.

Тўртинчидан, тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишда информацион-ахборот технологиялари муҳим ишлаб чиқариш омилига айланиб бормоқда.

Хусусий корхоналар иқтисодиётдаги бандликни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайдилар. Улар капитал қўйилмалар бирлигига нисбатан кўпроқ миқдорда ишчиларни жалб этадилар. Шу билан бирга, хусусий корхона эгаларида жамғариш ва инвестицияга мойиллик юқоридир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, иқтисодий адабиётларда кам таъкидлаб ўтиладиган, муҳим афзаллиги шундан иборатки уларда юқори даромад олиш омили йирик кооперацияларга нисбатан катта аҳамият касб этмайди (бу капитални диверсификациялашнинг катта имкониятлари билан боғлиқ).

Хусусий корхоналар амал қилишининг муҳим белгиси сифатида уларнинг самарадорлиги кўрсаткичини келтириш мумкин. Кўпгина тадқиқотчилар хусусий корхоналарнинг самарадорлиги муаммосини ўрганишда чет эл тажрибасига алоҳида эътибор берадилар. Масалан, Қ.А. Муфтайдинов¹² таъкидлаб ўтадики кичик корхоналарнинг самарадорлик кўрсаткичлари одатда бир хил эмас. Мисол тариқасида капиталда фойда нормаси, қўшилган қиймат ёки фойда хажмининг бир ишчига тўғри келиши каби кўрсаткичлар тавсия этилади. Биринчи кўрсаткич бўйича кичик корхоналар йирик кооперацияларга нисбатан кескин орқада қоладилар ва аксинча, иккинчи кўрсаткич бўйича кичик корхоналар йирик кооперациялардан анча олдинга ўтиб кетадилар. Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрнини тадқиқ этишда, биринчидан, корхоналарнинг тўлов қобилияти, иккинчидан уларнинг молиявий барқарорлиги, учинчидан, эса корхоналарнинг молиявий ва иқтисодий таназзулга учраган вақтларида кичик тадбиркорлик субъектларининг барқарор иқтисодий фаолият олиб боришлари муҳим аҳамиятга эга.

Хусусий корхоналарнинг молиявий самарадорлиги кўрсаткичлари даражаси қанчалик юқори бўлса шунга мос равишда уларнинг ресурс базаси

¹². Муфтайдинов Қ. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Док. дис. автореферат.- Т.: 2004.- Б.45.

ва рақобатбардошлиги даражаси шунчалик юқори бўлади. Хусусий корхоналар ресурс базасининг ва рақобатбардошлигининг юқори даражада бўлишининг муҳим асоси бўлиб бозорни монополиядан чиқариш ҳисобланади бу эса мамлакат аҳолисига унинг эҳтиёжларига мос ҳолда ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга қаратилган кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитларини яратади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим хусусияти бу уларнинг иқтисодий таназзул даврида нисбатан юқори барқарорлигидир. Кичик хусусий корхоналар қуйи даражадаги алоҳида молиявий кўрсаткичларига эгалар. Шу билан бирга уларда ташқи кредит ресурсларига эҳтиёж юқори даражада бўлади. Бу корхоналарнинг ресурс самарадорлиги кўрсаткичи уларнинг хусусий молиялаштириш манбаларига таяниш имкониятини бермайди. Лекин кредитлаш тизимини тадбиркорликни ривожлантириш манфаатларига йўналтириш иқтисодиётнинг реал секторида кредит ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан кўпгина муаммоларни ҳал этишни талаб этади. Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш жараёнида хусусий тадбиркорликни устивор даражада ривожлантириш учун кредит ташкилотлари қуйидаги тадбирларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир:

- банкларнинг кредит операциялари қийматини пасайтирувчи стандартлаштирилган муолажаларини ўтказишлари;
- қисқа муддатли банк пасивларини ошириш ҳисобига банк активлари ва пасивларининг ликвидлигини ошириш;
- республика ва ҳудудлар миқёсида кичик корхоналарни кредитлар билан таъминлашда кредит тавакалчилигини пасайтириш механизминини шакллантирадиган турли хил кафолатларни юзага келтириш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжаъмиятига муносиб тарзда кириб боришида хусусий тадбиркорлик муҳим рол ўйнайди. Чунки кўплаб бизнес таҳлилчилари ва тадқиқотчилар ХХІ асрда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кўплаб мамлакатларда

иқтисодиётнинг динамик қисмига айланиб, миллий иқтисодиётнинг пойдеворини ташкил этади деган фикрдалар. Бошқача қилиб айтганда, тадбиркорлик ҳар қандай давлатнинг муваффақиятли ривожланиши ва гуллаб яшнашининг асосий негизи бўлиб, бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётнинг таянч соҳаси сифатида тан олинган. Шу боис мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари ҳамда аҳоли фаровонлигининг ошиши ҳал қилувчи даражада айнан хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига боғлиқ.

1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади.

Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди.


Шу ўринда Президент И.А.Каримов “...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 54 фоизни ташкил этишининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсани англатади” деб таъкидлади.

Ҳозирги пайтда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Охириги йилларда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар сони йил сайин ортиб бораётгани соҳанинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш; солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2011 йилда эса 54 фоизни ташкил этди. (1.2.1-расм).



1.2.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

Бу борада 2011 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига жами 4 трлн. 41 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 150,2 фоизга кўп) миқдорида кредит, шу жумладан 752 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 155 фоизга кўп) микрокредитлар ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291126 та янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш ҳамда республика қишлоқларида микромолиявий хизматларни кенгайтириш мақсадлари учун 159,7 млрд. сўм миқдоридаги микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, 104500 та янги иш ўрни яратилди.

Албатта, мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик субъектларига янада янги замонавий банк хизматлари кўрсатиш такомиллаштирилиб борилиши талаб этилади.

Шу муносабат билан 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси пасайтирилди. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, натижада ушбу субъектлар томонидан банк кредитларидан фойдаланиш орқали ўз бизнесларини ривожлантиришга янада кўпроқ имкониятлар яратди.

2012 йил мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили”, деб эълон қилиниши муносабати билан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш жойларни яратиш мақсадида банк тизимида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

Биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан микрокредитлар ажратиш механизлари такомиллаштирилади ва соддалаштирилади. Бунда, оилавий бизнес ва хунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капитални шакллантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитларни ажратиш механизлари қайта кўриб чиқилиб, ҳозирги давр талабларига мослаштирилади;

Иккинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 4 трлн. 377 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилади, шундан микрокредитлар ҳажми 843 млрд. сўмни ташкил этади. Ушбу кредитлар биринчи навбатда бошланғич капитални тўлдириш учун ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш мақсадида ўрта ва узоқ муддатларга ажратилади;

Учинчидан, 2012 йилда тижорат банклари томонидан оилавий бизнес ва хунармандчиликни ривожлантириш учун кредит маблағларини ажратилишига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу мақсадлар учун банклар томонидан жорий йилда 60 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилади;

Тўртинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида уларга микрокредитлар ажратиш учун жами 243 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилади;

Бешинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда ажратиладиган кредит маблағларининг 28,3 млрд. сўми касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади;

Олтинчидан, тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 30,0 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилади. Бунда асосий эътибор устувор равишда узоқ ва бориш қийин, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қаратилади;


Еттинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун жами 336 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилади.

Мухтасар қилиб айтганда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, хусусан уларнинг модернизациялаш ва технологик янгиланишига молиявий кўмак бериш, замонавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳолининг бандлиги таъминланишида, ички истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайишига ва минглаб оилалар даромадлари ортишида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусийтадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестициялар кенг жалб этилмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки

(KfW), Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар томонидан катта миқдорда кредитлар ажратилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўрни ҳам аста-секин кенгайиб бормоқда. Унинг мамлакатимиз экспорт ҳажмидаги улуши 2011 йилда 18,8 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 8,6 фоизга кўпдир (1.2.2-расм). Кичик бизнес субъектларининг асосий экспорт маҳсулотларини қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, ишлов берувчи, электротехник ишлаб чиқариш маҳсулотлари, халқ амалий санъати буюмлари ташкил этади.



1.2.2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармонида мувофиқ тадбиркорларга қуйидаги имтиёзлар берилди:

-2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобрақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди;

-тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч иш кунидан ошмайдиган муддат билан чекланди.

Хулоса қилиб айтганда, 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда янада ривожланишини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

- жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига ҳалал бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

- ҳудуддаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олинishi ҳамда уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир ҳудуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;

- ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш;

- маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни рўёбга чиқариш йўллари аниқлаш, шу асосда оилавий бизнесни ташкил этишнинг намунавий шакллари тавсия этиш ва қўллаб-қувватлаш;

- ҳудудларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият йўналишлари жиҳатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш, хусусан, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш;

- ҳудудлардаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш;

- ҳудудлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустақкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим.

1.3. Республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва уни ошириш бўйича амалга оширилаётган чоратадбирлар

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боради. Чунки, меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва юксак тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг муҳим манбаси бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида ишчи кучининг ортиқчалиги мавжуд ва меҳнат бозорида таклиф талабдан юқоридир. Шу боис ишлашни хоҳловчиларнинг меҳнат бозорида эркин ҳаракат қилишлари ва мустақил иш билан таъминланишлари учун давлат фуқароларга иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини; ишга қабул қилишни қонунга ҳилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни; мақбул ишни танлаш ва ишга жойлашишга бепул

ёрдам беришни; ҳар ким касб ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни; янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни; бошқа жойга ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий харажатлар учун конун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни кафолатлайди.



1.3.1-расм. Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлашнинг яхлит тизими.

Бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги қатор чора-тадбирлар кўриляпти:

1. Меҳнат қонунчилиги тобора такомиллаштирилиб, жойлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари фаолияти кучайтирилмоқда;
2. Янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар бериляпти;
3. Меҳнат бозорида иш кучи сифати ва рақобатбардошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунинг учун меҳнат ресурсларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилди;
4. Аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва

сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда;

5. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий кўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди. Масалан, 2010 йилда 208 минг нафардан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, биринчи навбатда, кўп болали аёллар, ногиронлар ва шу каби тоифа аҳолининг иш билан таъминланди;

6. Давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этиляпти.

7. Ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.

Меҳнат ресурслари – меҳнатга қобилиятли ёшдаги бўлган (Ўзбекистон Республикасида эркаклар учун 16 ёшдан 60 ёшгача, аёллар учун 16 ёшдан 55 ёшгача) аҳоли, шунингдек иқтисодиётда банд меҳнатга лаёқатли ёшдаги бўлмаган (ўсмирлар ва меҳнатга лаёқатли ёшдан юқори ёшдагилар) шахслар.

Иқтисодий фаол аҳоли – бу аҳолининг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ўз ишчи кучини таклиф этишни таъминлайдиган қисми.

Иқтисодий нофаол аҳоли – меҳнат билан банд бўлмаган ва ишсиз деб ҳисобланмайдиган шахслар (ўқувчилар ва талабалар, ишламаётган учинчи гуруҳ ногиронлари, уй бекалари, ихтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар).


Иш билан бандлар – кўриб чиқиляётган даврда тўла ёки тўлиқсиз иш кунида ҳақ олиб меҳнат қиляётганлар ёки вақтинча иш билан банд бўлмаган (касаллиги, касалларни парвариш қилиши, таътилдалиги ва бошқа сабабларга кўра) шахслардир.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этиб, уларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда (1.3.1-жадвал).

1.3.1-жадвал**Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги динамикаси* (минг. киши)**

Кўрсаткичлар	Й и л л а р					2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўзгариши, %
	2005	2006	2008	2009	2010	
Жами аҳоли сони	26167,0	26488,2	27555,3	28000,8	28466,4	108,7
Меҳнат ресурслари сони	14453,2	14816,5	15644,9	16123,6	16504,2	114,2
Шундан:						
Иқтисодий фаол аҳоли сони	10224,0	10492,5	11603,1	11929,2	12286,6	120,1
Иш билан банд бўлган аҳоли сони	10196,3	10467,0	11035,4	11327,7	11628,4	114,0
Иқтисодий нофаол аҳоли сони	4229,2	4324,0	4041,8	4186,4	4217,6	99,7

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2005-2010 йиллар давомида Республикада аҳоли сони 8,7, меҳнат ресурслари сони эса 14,2 фоизга ўсиб, 2010 йил меҳнат ресурслари умумий аҳоли сонининг 58 фоизини ташкил қилди. Республикада меҳнат ресурсларининг йиллик ўртача ўсиш суръати 3,0-3,5 фоизга тўғри келмоқда. Шунингдек, меҳнат ресурсларининг 98,5-99 фоиз қисми меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли аҳолидан ташкил топса, қолган 1-1,5 фоизи ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлардан иборатдир. 2010 йилда иш билан бандлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 94,6 фоизни, меҳнат ресурсларига нисбатан эса 70,5 фоизни ташкил этди.



1.3.2-расм. Иқтисодиётнинг нодавлат ва давлат секторларида иш билан банд бўлган аҳоли сони.

1.3.2-расмдан кўриш мумкинки, 2007-2011 йиллар давомида иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги бандларнинг ўртача сони 11,1 фоизга ортган, аксинча давлат секторида банд бўлганлар сони 1,6 фоизга камайган. Шу билан бирга, таҳлил қилинаётган йилларда давлат секторида банд бўлганлар улуши 22,1 фоиздан 20,0 фоизгача камайган, нодавлат секторда бандлар улуши 77,9 фоиздан 80,0 фоизгача ортган.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, асосий эътибор республикада саноат тармоқларини ривожлантириш, хом ашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, қишлоқ жойларда саноат корхоналарини барпо этиш ва ишлаб чиқариш кучларини қайта тақсимлашга қаратилди. Ушбу чора-тадбирлар юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида аҳоли бандлигининг тармоқлар бўйича структурасида ижобий ўзгаришлар рўй берди (1.3.2-жадвал).

1.3.2-жадвал**Аҳоли бандлигини иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимоти (% ҳисобида)**

Иқтисодиёт тармоқлари	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Жами банд бўлганлар	100,0	100,0	100,0
<i>шундан:</i>			
Саноатда	13,4	13,4	13,2
қишлоқ ва ўрмон хўжалигида	27,6	26,7	25,5
Қурилишда	8,5	8,9	9,1
транспорт ва алоқада	5,0	5,1	5,2
савдо ва сотиқ, умумий овқатланиш, тайёрлашда	10,3	10,5	10,7
турар жой коммунал хўжалиги ва аҳолига номанший хизмат кўрсатиш турларида	3,3	3,4	3,5
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда	7,6	7,6	7,7
таълим, маданият, санъат , фан ва илмий хизмат кўрсатишда	13,9	13,9	13,9
бошқа соҳаларда	10,4	10,5	11,2

Жадвалда келтирилганидек, иқтисодиёт тармоқлари ичида саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида банд бўлган аҳоли улуши камайган, қолган тармоқларда эса ортган. Шу ўринда айтиш жоизки, мамлакатимизда кенг бунёдкорлик ишларининг жадал амалга оширилиши натижасида қурилиш тармоқларида меҳнат қилаётганлар улуши юқори суръатларда кўпаймоқда. Бу ҳолатни, айниқса, қишлоқ жойларида ҳам кўриш мумкин, чунки қурилиш соҳасида банд бўлган қишлоқ аҳолиси сони 1991 йилга нисбатан 2,4 мартага ўсди.

Республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш учун зарурий шароитлар яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда бандлик масалаларини ҳал этишда меҳнат органлари масъулиятини янада кучайтириш мақсадида 2009 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1251-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг бугунги иқтисодиётни эркинлаштириш

шароитидаги янги вазифалари белгилаб берилди. Шунингдек, ушбу тизимга тегишли таркибий ўзгартиришлар ҳам киритилди. Жумладан, туман (шаҳар) меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига айлантириш ҳамда йирик маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида аҳолини ишга жойлаштириш бўйича стационар пунктлар ташкил этиш бўйича чоратадбирлар белгиланди. Ушбу марказлар аввалги бўлимлардан тубдан фарқ қилиб, ишсиз аҳолига кўрсатадиган хизмат кўлами кенгайтирилди ва улар зиммасига янги вазифалар юклатилди.

II-БОБ. АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА МЕҲНАТ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти таҳлили

Бугунги кунда республикамиздаги устувор йўналишлардан бири - аҳоли бандлигини ошириш, ишчи кучидан мақсадли фойдаланиш, фойдали меҳнатга лаёқатли аҳолининг илмий салоҳиятини оширишга қаратилмоқда.

Республикамиз Президенти Ислон Каримов 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролига алоҳида эътибор бериб, “Ҳисобот йилида янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Худудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди.”¹³, - деб алоҳида таъкидлади.

Сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг вилоятимида янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини

¹³ 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, №14 (5434)


оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда(2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвал

Андижон вилоятида янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес субъектларининг улуши

Кўрсаткичлар номи	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари, минг киши	66,1	77,8	78,3	80,6
шу жумладан:				
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда, минг киши	38,8	43,7	50,6	50,8
Фоиз ҳисобида	58,7	56,1	64,6	63,0
Жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	71,3	73,4	74,8	75,1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилда вилоятимизда жами 78,3 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, шундан қарийб 50,6 минг кичик бизнес ҳиссасига тўғри келган. 2011 йилда эса 80,6 янги иш ўринлари яратилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 63 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди. 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида вилоятимизнинг иқтисодиётида банд бўлган жами аҳолининг 74,8 фоизи фаолият кўрсатди(2.1.1-расм). Кичик бизнес субъектларининг бандликдаги улуши 2000 йилда 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 75,1 фоизга етди ёки 2008 йилга нисбатан 2,1 фоизга кўпайди. Бу эса кичик бизнес субъектларининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин эгаллашини кўрсатмоқда.



2.1.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улуши

Президент Ислам Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, "...Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган 2012 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури барчамизнинг диққат марказимизда туриши зарур. Ушбу дастурга биноан 967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, уларнинг қарийб 600 мингини қишлоқ жойларда ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобидан 480 мингдан зиёд кишини ишга жойлаштириш, биринчи навбатда, корхоналар билан ҳамкорликда меҳнат шартномалари асосида касаначиликнинг турли шакллари, шунингдек оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 210 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи барчамизнинг жиддий ва доимий эътиборимиз марказида туриши зарур. Бу йил юртимизда 516 минг нафардан зиёд йигит-қиз коллеж ва лицейларни тамомлайди. Уларнинг қаерга ишга жойлашишини ҳозирданок аниқ белгилаб олиш, корхоналар билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва ундан сўнг ишга қабул қилиш бўйича шартномаларнинг

ўз вақтида тузилишини таъминлаш – бундай масалаларни алоҳида назоратга олиш лозим¹⁴, – деб таъкидлади.

Статистик маълумотлар кўрсатишича, бугунги кунда вилоятда жами банд бўлганларнинг 13,2 фоизи давлат, 86,8 фоизи нодавлат, шунингдек, 74 фоизи хусусий соҳада меҳнат қилмоқда. Ушбу статистик рақамлар таҳлили давлат корхоналарида ишловчиларни сони қисқариб, хусусий соҳада бандликни ортиши юз бераётганлигини кўрсатади. Бу эса вилоятимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши, шунинг асносида аҳолининг бандлигини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида мамлакат аҳолисининг иш билан бандлиги даражасини ошириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасидаги қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

- иқтисодиётни ривожлантириш негизида янги иш ўринлари яратилмоқда;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар очилиб, бу фаолият қизгин қўллаб қувватланмоқда;
- аҳолининг меҳнат фаоллигини, оилавий ижара, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш негизида аҳолининг ўзини-ўзи иш билан банд қилиш даражаси оширилмоқда;
- аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни тугатиш ёки ихтисосини ўзгартириш ишлари олиб борилмоқда.

Бизнинг фикримизча, ишчи кучига талабни ошириш бўйича иқтисодий тадбирлардан энг асосийси иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишдир. Бунга энг аввало мулкчилик шакллари

¹⁴ 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўнашларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, №14 (5434).

ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги иш жойларини яратиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини кўтариш, солиқларни оқилона белгилаш орқали эришилади.

Мухим иқтисодий тадбирлар мажмуасига қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга давлат томонидан имтиёзли кредитлар бериш, илғор технологияларни тадбиқ этиш, бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати тармоқларининг асосий маҳсулотларига давлат буюртмасини белгилаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни маблағ билан таъминлаш киради.

Бу тадбирлар қўшимча иш жойларини ташкил қилишда энг кам инвестицияни назарда тутди ва ишчи кучига талабни оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини маблағлар билан таъминлашнинг манбалари бўлиб маҳаллий бюджет, бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг шахсий жамғармалари хизмат қилади. Бугунги кунда айниқса, минтақаларда аҳоли бандлиги, ишлаб чиқаришни ишчи кучи билан таъминлаш масалаларини ўрганишни ҳаётни ўзи тақозо этмоқда.

Вилоятмизда меҳнат биржаси ва бандлик хизматининг бошланғич ташкилотлари ташкил этилиб, улар ишсизлик ва бўш ўринлар миқдори ва тузилишининг ҳисоб-китоби, таҳлили ва келажаги, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш ва қайта ўқитиш, бандликка кўмаклашиш жамғармасини ташкил қилиш ва сарфлаш ишлари билан шуғулландилар, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик доирасида имтиёзли кредитларни ажратиш йўли билан янги иш жойларини яратишга муайян молиявий ёрдам кўрсатилди. Иқтисодиёт тармоқларида, айниқса қишлоқ хўжалигида таркибий ислоҳотлар амалга оширилиб ходимлар ва иш берувчилар ўртасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва бошқалар.

Юқоридагиларга асосланиб, вилоятимиз ва унинг туманларида аҳолининг бандлигини ошириш, ишчи кучидан самарали фойдаланишда куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- маълумки, мамлакатимизда аҳолининг 62,5 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайди. Шунга мувофиқ меҳнатга яроқли аҳолининг ҳам шунча қисми қишлоқ аҳолиси ҳисобига тўғри келади. Шунинг учун қишлоқ аҳолисининг фаолияти соҳалари ва турларини кенгайтириш талаб қилинади;

- айти пайтда бугун алоҳида муҳим аҳамият касб этадиган яна бир масала – ёшларни, бўлғуси кадрларни тайёрлаш сифати билан боғлиқ. Табиийки, бу борада педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими қандай ташкил этилгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу масала умумий ўрта ва ўрта махсус таълимни ислоҳ қилиш тизимининг энг долзарб вазифаси бўлмоғи зарур. Лицей ва коллежларимизда таълим жараёнларига олий ўқув юртларининг тажрибали амалиётчи ва ўқитувчиларини янада кенг ва фаол жалб этиш лозим;

- ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозори фаолиятини йилдан йилга кенгайтириб бориб, улар томонидан ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларини мунтазам ўтказилишини таъминлаш зарур;

- ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий ва хорижий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш лозим;

- республика ва унинг минтақаларида янги иш жойларини ташкил этиш, аҳоли бандлик даражасини ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятиданмақсадли фойдаланиш бўйича чуқур иқтисодий ислохотларни амалга ошириш зарур;

- аҳолини оқилона бандлигини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган дастурларнинг мониторингини мунтазам олиб бориш лозим;

- қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш керак;

- ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лозим;

- хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали маҳаллий ва хорижий техника ва технология билан таъминлаш даркор;

- меҳнат бозори, ишсизлик ва аҳоли бандлиги жараёнларини тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш лозим.

2.2. Кичик бизнес субъектлари корхоналарида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ишчи кучи билан таъминланиш таҳлили

Корхонанинг ишчи кучи билан таъминланишини таҳлил қилишда, аввало, асосий ходимлар, кассирлар, назоратчилар, ёрдамчи хизмат кўрсатувчи ва маъмурий ходимлар доимий таркиби (штати)нинг тўлиқлиги текширилади.

Кичик бизнес субъектлари корхоналарида ишчи кучи билан таъминлаш масаласи жуда долзарб масала ҳисобланади. Шунинг учун биз ишда корхона раҳбарлари, цехлар ходимларининг доимий таркибини, шу жумладан, бошқарма ходимлари сонини таҳлил қилиш учун объект сифатида “Uz-Dong Ju Paint Co” қўшма корхонасини олдик. Жумладан, “Uz-Dong Ju Paint Co” қўшма корхонасининг ходимлар сони қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўргандик: асосий, ёрдамчи, мутахассислар, хизматчилар ва кичик хизмат кўрсатувчи ходимларга бўлинади. Шунинг учун таҳлил жараёнида биз биринчи корхона ходимлари сонини ўзгаришини таҳлил қиламиз. Таҳлил қилиш жараёнида барча корхона маълумотлари ва хужжатлари олинган.

2.2.1-жадвал

“Uz-Dong Ju Paint Co” ҚҚда ходимлар сонининг ўзгариши

Ходимлар категорияси	Ходимлар сони			Ишловчиларнинг мутлақ ортиқча ёки камлиги		
	2010 йил	2011 йил Режа	2011йил	гр.2- гр1	гр.3- гр.1	гр3 – гр2
Барча ходимлар, жумладан	320	350	359	30	39	9
СИП, бундан:						
Ишчилар улардан:	151	165	159	14	8	-6
Асосий	140	145	149	5	9	4
Ёрдамчи	11	10	10	-1	-1	0
Мутахассислар	72	94	95	22	23	1
Хизматчилар	91	93	97	2	6	4
Кичик хизмат кўрсатиш ходимлари	6	7	8	1	2	1

Таҳлилда қўшма корхонанинг ходимлар сонининг базис ва жорий йиллардаги ўзгаришини кузатишимиз мумкин. Базис, яъни 2010 йилда корхонада жами 320 нафар ходим фаолият олиб борган бўлса, уларнинг 151 нафари асосий ва ёрдамчи ишчилар, 72 нафари мутахассислар, 91 нафари хизматчилар ва 6 таси кичик хизмат кўрсатиш ходимлари таркибига кирган. Жорий йил, яъни 2011 йилда режа бўйича ходимлар сони 350 нафаргача оширилиши керак эди, лекин амалда улар 359 кишини ташкил этган. Улардан 159 нафари асосий ва ёрдамчи ишчилар, 95 нафари мутахассислар, 97 нафари хизматчилар ва қолган 8 нафари кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар хиссасига тўқри келган. 2011 йилда ходимлар сони 2010 йилга нисбатан 39 нафарга ортган. Корхона жорий йилда асосан мутахассислар (23) ва асосий саноат ишчиларини (9) қабул қилган. Ёрдамчи ишчилардан бири ўз хохишига кўра ишдан озод қилинган. Яна 6 та хизматчи ва 2 та кичик хизмат кўрсатувчи ходим ишга қабул қилинган. Булар барчаси бир меъёردа иш фаолиятини олиб борганлар. Шунингдек, корхонада ходимлар таркиби

таҳлилини кўриб чиқамиз. Бунда бизга корхонанинг кадрлар бўйича маълумотлари керак бўлади.

2.2.2-жадвал

Корхонада ходимлар таркибини таҳлили

Ходимлар категориялари	Ходимлар категориялари салмоғи,%			Фарқ,%		
	2010 йил	2011 йил режа	2011 йил ҳақиқат	гр.2- гр 1	гр 3- гр 1	гр 3- гр2
1.Ишчилар жумладан						
-асосий	44	41	42	-0,6	-0,7	-0,1
-ёрдамчи	3	3	3	0	0	0
2.Мутахассислар	23	27	26	4,4	4,0	-0,4
3. Хизматчилар	28	27	27	-1,9	-1,4	0,4
4.Кичик хизмат кўрсатиш персонали	2	2	2	0,1	0,4	0,2
Жами ходимлар	100	100	100	X	X	X

Таҳлил маълумотларига кўра, “УзДонгЖу Паинт Со” қўшма корхонасининг 2010-2011 йиллардаги ходимлари таркиби фоизларда кўрсатиб ўтилган. 2010 йилда асосий ва ёрдамчи саноат ишчилари жами ходимларнинг 47 %ини ташкил этган бўлса, 2011 йилда, яъни жорий йилда улар 45 % улушга эга бўлишган. 2010 йилда мутахассислар жами ходимларнинг 23 %ини ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич жорий йилда 26 % га етган. Демак, корхонада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш натижасида инсон қўл меҳнатининг камайишини ва корхона фаолиятини тартибга солувчи мутахассислар миқдорини оширилганини гувоҳи бўлмоқдамиз. 2010 йилда хизматчилар 28 % улушга эга бўлган бўлсалар,

жорий йилда уларнинг салмоқи 1 % га камайган. Кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар эса ўзгаришсиз 2 % улушда қолганлар.

2.2.3-жадвал

Корхона ишчи ходимлари ҳаракатининг динамикаси

Кўрсаткичлар	2009й.	2010й.	2011й.	2011й 2009 й га нисбатан (+;-)	Ўсиш суроати (%)
Ўртача рўйхатдаги ходимлар сони, киши	283	320	359	76	126,9
Йил бошидан бери ишга қабул қилинганлар сони, киши	111	38	41	-70	36,9
Йил бошидан ишдан бўшатиш сони, киши	3	1	2	-1	66,7
жумладан: -ўз хоҳишига кўра, киши	3	1	2	-1	66,7
- меҳнат интизомини бузганлиги учун, киши					
Ишдан бўшатиш даражаси, %	1,1	0,3	0,6	-0,5	52,6
Ишга қабул қилиш даражаси, %	39,2	11,9	11,4	-27,8	29,1
Қўнимсизлик даражаси, %	1,1	0,3	0,6	-0,5	52,6

Қўшма корхонанинг 3 йиллик ходимлари ҳаракати динамикасини кузатишимиз мумкин. 2009 йилда ўртача рўйхатдаги ходимлар сони 283 кишини ташкил этган. Йил бошидан бери ишга қабул қилинганлар сони 111 кишини ташкил этган. Бу корхона фаолияти бошлангандан бери ходимларни қабул қилиш бўйича юқори кўрсаткичлардан бири саналади. Ўша ўз хоҳишига кўра ишдан озод қилинганлар сони 3 нафарни ташкил этган. Шундай қилиб, ишдан бўшатиш даражаси 1.1 % ни, ишга қабул қилиш даражаси 39.2 %ни ва қўнимсизлик даражаси 1.1 %ни ташкил этган. 2010 йилда ўртача рўйхатдаги ходимлар сони 2009 йилдагидан 37 нафарга кўп, яъни 320 кишини ташкил этган. Йил бўйи ишга қабул қилинганлар сони 38 киши, ўз хоҳишига кўра ишдан озод қилинганлар сони 1 кишини ташкил этган. Меҳнат интизоми бузилганлик ҳолати билан ишдан бўшатиш ҳолати 2010 йил да ҳам юз бермаган. Шу йили ишга қабул қилиш даражаси 11.9 %

ни, ишдан бўшатилиш эса энг кам 0.3 %ни ва қўнимсизлик даражаси ҳам энг кам 0.3 %ни ташкил этган. 2011 йил жами ходимлар 359 кишига етган. Қабул қилинганлар сони 41 киши, бўшатирилганлар (ўз хохишига кўра) сони 2 нафарни ташкил этиб, меҳнат интизомининг бузилиши оқибатида ишдан бўшатилиш кузатилмаган. Шу йили ишга қабул қилиш даражаси 11.9 %ни, ишдан бўшатилиш 0.6 %ни ва қўнимсизлик даражаси 0.6 %ни ташкил этди. 2011 йилни 2009 йилга солиштирганимизда ходимларнинг умумий сони 76 кишига, яъни 26 фоизга ортган ва қўнимсизлик даражаси эса деярли 50 %га қикарганини кузатишимиз мумкин.

Корхонанинг хизматчи ходимлари билан таъминланиш даражасига баҳо берилгандан сўнг, иш вақти фондидан фойдаланиш даражаси таҳлил қилиниши зарур. Иш вақти фонди деб хизматчи ходимлари томонидан жами ишланган одам-соатларга ва одам-кунларга айтилади. Таҳлил жараёнида иш вақти фондидан фойдаланиш даражаси ва бу борадаги мутлақ фарқнинг ўзгариш сабаблари 2.1.4-жадвалда аниқланади.

2.1.4-жадвал

Иш вақти фондидан фойдаланишнинг таҳлили

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	Фарқи	2010 йилдаги нисбатан бажарилиши, %
Асосий ишчиларнинг ўртача сони, нафар	151	159	8	105,3
Асосий ишчилар томонидан ишланган жами одам-соатлар	463419	475728	12309	102,7
Асосий ишчилар томонидан ишланган жами одам - кунлар	49830	50880	1050	102,1
Битта асосий ишчига бир йилда тўғри келадиган ўртача иш кунлари	330	320	-10	97,0
Ўртача иш кунининг давомийлиги, соат	9,3	9,35	0,05	100,5

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, асосий ишчилар томонидан ишланган одам-соатлар 2010 йилга нисбатан 12309 одам соатга кўпайган. Иш вақти фондининг кўпайишига ёки камайишига таъсир кўрсатувчи омилларни 2.1.4-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланиб, кўйидагича аниқлаймиз:

1. *Асосий ишчилар сонининг ўзгариши.* Мисолимизда асосий ишчилар сони 2011 йилида 2010 йилга нисбатан саккиз нафарга кўпайган. Бу эса, иш вақти фондининг 24552 одам - соатга (+8x330x9,30) ошишига олиб келди.

2. *Битта ишчига бир йилда тўғри келадиган ўртача йиллик иш кунларининг ўзгариши.* Корхонада ҳар бир асосий ишчи 2010 йилдагига нисбатан 10 кун кам ишлаган. Бу, ўз навбатида, иш вақти фонди 14787 одам-соатга (-10x159x9,30) камайишга олиб келди.

3. *Ўртача иш кунни давомийлигининг ўзгариши.* Таҳлил қилинаётган корхонада ўртача иш кунининг давомийлиги 0,05 одам-соатга кўпайган. Бу иш вақти фондини 2544 одам-соатга (+ 0.05x159x320) кўпайишига олиб келди.

Текшириш: Иш вақти фонди бўйича фарқ:

$$+2544 - 14787 + 24552 = 12309 \text{ одам-соат.}$$

2.3. Кичик бизнес субъектлари корхонасида

кадрлар салоҳияти таҳлили

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида меҳнат салоҳияти ва кадрлар салоҳиятига бўлган талаб кун сайин ортиб бормокда. Жумладан, ҳар бир соҳа бўлмасин унинг мутахассисларини малака ошириш курслари, ўз билимлари устида ишлашга ундамокда. Шу ўринда Президенти И.А.Каримов “...кучли давлатда, кучли ҳар томонлама билимга эга етук мутахассис

кадрлар бўлиши шарт¹⁵” деб таъкилаган. Шунинг учун “Uz-Dong Ju Paint Co” ҚКнинг барча ходимлари ишга қабул қилиш жараёнида белгиланган меъёрлар асосида ишга қабул қилинади. Шунингдек, корхона персонал ходимлари ёки кадрлари сифат характеристикаларини ўрганишда ишчи-ходимларнинг касб малакаси, маълумоти билан бирга кадрлар қўнимсизлиги, малака ошириш режалари, кадрларни кучли ва кучсиз томонлари ҳамда кадрлар ҳаракатини ифодаловчи барча кўрсаткичларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, қуйида келтирилган 2.3.1 жадвалдаги маълумотлар асосида корхонанинг кадрлар салоҳиятини таҳлил қиламиз. Жумладан, корхонада олий маълумотлилар 2009 йилда 53 нафар, 2010 йилда 54 нафар ҳамда 2011 йилда 57 нафарни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар йиллар кетма кетлигига қараганда 2011 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан тенг равишда 15,1% ва 12,2% га ўсганлигини кўриш мумкин.

2.3.1-жадвал
“Uz-Dong Ju Paint Co” ҚКда кадрлар салоҳияти таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилдагига нисбатан			
					2009 йилда		2010 йилда	
					+/-	%	+/-	%
1.	Ходимларни рўйхатдаги сони, киши	312	320	359	47	115,1	39	112,2
2.	Олий маълумотлилар	53	54	57	4	107,5	3	105,6
3.	Ўрта-махсус маълумотлилар	142	147	167	25	117,6	20	113,6
4.	Ўрта маълумотлилар	117	119	135	18	115,4	16	113,4

Ушбу кўрсаткичлар ичида энг катта улушга эга бўлган кўрсаткич бу ўрта махсус маълумотга эга бўлганлардир. Чунки бу кўрсаткичлар ҳам ўз

¹⁵ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январь, №16(5183).

навбатида 142 нафардан 167 нафарга етган. Бундан кўриниб турибдики корхонада ўрта махсус маълумотга, яъни коллежни битириб ишга кирганларни ташкил этади. Жумладан, Андижон маиший хизмат ёки машинасозлик касб хунар коллежларида ўқиб тугатган ўқувчилар жамиятнинг белгиланган талабалари даражасида ишламоқдалар. Шунингдек, жамиятда ўрта маълумотга эга бўлган ишчилар ҳам ишламоқда. Чунки ёрдамчи ишчилардан фойдаланиш жараёнида кўпроқ меҳнат талаб қилинганлиги учун ўрта махсус билимга эга бўлган ишчилар ҳам ишламоқда.

Юқоридагилардан келиб чикиб, шуни айтиш мумкинки, корхонада ўрта махсус маълумотдаги ишчи-ходимлар улуши юқори, яъни 17,6%ни ташкил этиши бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг аксарияти ўрта-махсус маълумотга эга эканлиги билан ифодаланади. Бу корхонада ракобатбардош кадрларнинг сонини ортиб боришини акс эттиради.

Иновацион менежмент ва янги иновацион ғояларга ҳар томонлама талабларга жавоб берадиган кадрлар корхонанинг фаолиятини олиб боришлари керак. Шундагина корхона замонавий автомобилларни ишлаб чиқариш учун энг янги ускуналар ва технологиялардан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам малакали кадрлар зарурдир. Техника –технологияларнинг йил сайин ривожланиб, янги янги инновацион ғояларни тараққий этиши, корхона кадрларини малакасини ошириш ва қайта ўқитиш масалаларини долзарблигини билдирмоқда. Корхона раҳбарияти томонидан ҳам кадрлар малакасини ошириш, қайта ўқитишга катта эътибор қаратилади. Улар доимий равишда корхона кадрлари малакасини ошириб бориш мақсадида корхона қошида 2007 йилдан бошлаб Ўқув семинарлар ўтиш мақсадида марказ ташкиллаштирилган. Ўқув марказга махсус хоналар ажратилган ва замонавий талаблар асосида аудиториялар жихозланган.

2011 йилда 80та мутахасис, 98та муҳандис ва 27 ишчи ўз малакасини оширди. Бу кўрсаткич 2010 йилда 46 мутахасис ва 81 муҳандисни ташкил этиб, 2009 йилда малака оширганлар умумий сони 15%га ортган.

Корхонада янги турдаги илғор техника усуллари кўллаган ҳолда профессионал кадрлар қилиб тайёрлаш ва хорижнинг илғор усуллари жорий қилган ҳолда билимларини оширмоқдалар. Жумладан 2011 йилда энг кучли мутахассислардан 15 нафари Корея, Малазия ва Германия давлатларига бориб ўз малакаларини ошириб қайтдилар.

2010 йилда қайта ўқитилганлар сони 70 тадан иборат бўлиб, бу 2009 йилги 64 тадан 8,6%га кўпдир. 2011 йилда корхонага 39 нафар ишчи ходим қабул қилинган ва 12 нафар ишчи-ходим турли сабабларга кўра ишдан бўшаган. Бу кўрсаткич 2009 йилдаги кўрсаткичларга қараганда 12,2 %га ошган ва ишдан бўшаганлар 9,4% га камайган.

Юқоридаги кўрсаткичлардан фойдаланиб, 2009-2011 йилларда кадрларни ишга қабул қилиш коэффиценти, кадрлар кўнимсизлиги ва кадрлар салоҳиятини айланиш коэффицентларини айниқлаймиз. Жумладан, корхонада кадрлар кўнимсизлиги даражаси ишга қабул қилинганлар ва ишдан чиқиб кетганлар ҳамда жами ишчилар сонига бўлиш орқали аниқланади. Бу кўрсаткичлар 2009 йилда корхонада ишга қабул қилиш 3,9 фоизни ва 2011 йилда 10,8 фоизни ташкил этган. Уларнинг кўнимсизлик даражаси 2009 йилда 3,2%ни, 2010 йилда 1,7%ни ташкил этган.

Демак, 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 0,01, яъни 33,3% кадрлар кунимсизлиги камайган. Бу албатта, корхонада кадрларга бўлган рақобатбардошликни ортиради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, кадрлар билан боглик курсаткичларда кадрлар тургунлиги коэффиценти, кадрлар стабиллиги коэффицентларидан ташқари барч акурсаткичлар ижобий баҳоланади. Бунда уша камайиб бораётган кадрлар кунимсизлиги, ортиб бораётган кадрларни ишга қабул қилиш коэффиценти, кадрлар уртача ёшининг энг макбул, куч кувватга эга даври эканлиги, олий маълумотли мутахассислар салмогининг ортиб боришию, малака ошириш ва қайта ўқитиш режаларининг самарали фаолиятини келтириш мумкин.

III-БОБ. АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАР ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Андижон вилояти бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар

Вилоятнинг барча туманларидаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизмат кўрсатиш сифати ва турларини кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2011 йилда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари томонидан рўйхатга олинган 65,3 минг кишидан 56,3 мингтаси (ўтган йилнинг шу даврига қараганда 4,4% га ўсиш) ишга жойлаштирилди. Улардан 9,3 минг киши квота иш ўринларига ишга жойлаштирилди. (3.1.1-жадвал).

3.1.1-жадвал

**2011 йилда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш марказлари (БК ва АИМҚМ) томонидан банд бўлмаган аҳолига
кўрсатилаётган хизмат кўрсатиш турлари (минг киши)**

Худудлар номи	БК ва АИМҚМ га мурожат қилганлар	БК ва АИМҚМ йўлланмаси билан ишга жойлашганлар	Қайта ўқишга юборилган- лар	Жамоат ишларига жалб қилинган- лар	Ишсизлик нафақаси тайинлан ганлар
Вилоят бўйича	65,3	56,3	4,8	4,6	3,1
Андижон шаҳри	4,3	4,0	0,4	0,5	0,25
Хонобод шаҳри	5,1	4,3	0,5	0,3	0,11
Андижон туман	3,8	3,7	0,3	0,2	0,18
Асака туман	3,5	2,0	0,3	0,25	0,215
Балиқчи тумани	5,9	5,2	0,4	0,3	0,234
Бўз тумани	3,3	2,8	0,1	0,16	0,113
Булоқбоши тумани	5,9	4,9	0,2	0,14	0,101
Жалакудук тумани	6,4	5,0	0,1	0,96	0,66
Избоскан тумани	3,0	3,9	0,3	0,25	0,2

Улугнор тумани	2,9	1,7	0,5	0,35	0,267
Қўрғонтепа тумани	4,3	3,2	0,3	0,13	0,13
Мархамат тумани	7,7	6,6	0,3	0,17	0,17
Олтинқўл тумани	4,1	3,1	0,4	0,34	0,134
Пахтабод тумани	4,2	3,0	0,4	0,26	0,126
Хўжабод тумани	3,1	1,2	0,2	0,11	0,09
Шахрихон тумани	1,1	1,3	0,1	0,18	0,12

Ҳар бир йирик қишлоқ аҳоли пунктларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ишга жойлаштириш бўйича муқум (стационар) пунктлар ташкил қилинган ва фаолият кўрсатмоқда. Республикада қишлоқ аҳолисига қулайлиги ҳисобга олинган ҳолда жами 1372 та муқум пунктлар ташкил қилинди. Ҳар бир муқум пунктда ўртача 10-12 минг нафар қишлоқ аҳолиси ёки 2-2,5 минг оилага хизмат кўрсатилмоқда.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизликни бартараф этишга қаратилган давлат сиёсатининг яна бир йўналишларидан бири «Аҳолини иш билан таъминлаш» ҳудудий дастурларининг амалга оширилишидир. Мазкур дастурларнинг амалга оширилиши натижасида республикада ҳар йили бир неча юз минглаб янги иш ўринлари барпо қилинмоқда (3.1.1-расм).



3.1.1-расм.

3.1.1-расмдан кўриниб турганидек, 2007-2011 йиллар давомида вилоятда яратилган иш ўринлари сони 54,5 мингтадан 80,3 мингтага ёки 47,3 фоизга ошган.

2011 йилда вилоятимизда жами 80,3 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилиб, уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, уй-жойларни таъмирлаш ишлари кўламини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобидан яратилди (3.1.2-жадвал).

3.1.2-жадвал

2011 йилда Андижон вилоятида яратилган иш ўринлари сони, бирлик

№	Йўналишлар	Жами
	Барча йўналишлар бўйича яратиладиган янги иш ўринлари, жами (иш ўрни)	80640
	шу жумладан:	
1.	Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш	2844
2.	Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш	33050
	шундан:	
2.1.	Саноатда	4096
2.2.	Хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасида	22777
2.3.	қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, жумладан уй- жой қурилиши ва таъмирлаш	6177
3.	Яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш	9343
4.	Уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш	20311
4.1.	шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида фаолият олиб бораётган касаначилик	4978
5.	Фермер хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва бошқалар)	8443
6.	Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш	6034
7.	Ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш	615

Жадвалдан кўринадик, вилоятимизда 2011 йилда яратилган жами 80,6 мингдан ортиқ янги иш ўринларининг 36,6 фоизи кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш, 13,6 фоизи яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, 21,9 фоизи уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш ҳисобига ташкил этилган.

Вилоятда яратилаётган янги иш ўринлари асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келмоқда (3.1.2-расм).



3.1.2-расм.

Сўнгги йилларда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашнинг янгича ва ноанъанавий кўринишларини жорий этиш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, республика аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шакллари кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда. Жумладан, 2006 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706 – сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонга мувофиқ, иш билан бандликнинг ушбу шаклини рағбатлантириш мақсадида бир қанча имтиёз ва кафолатлар кўзда тутилган (3.1.3-расм).



3.1.3-расм. Касаначи ҳуқуқлари ва имтиёзлари

Вилоят ва унинг туманларида Фармонда белгиланган чоратадбирларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли ўртасидаги меҳнат кооперациясини ривожлантириш мақсадида ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, уларнинг доирасида 2011 йилда вилоятимизнинг 50 га яқин йирик саноат корхоналарида 6,5 мингдан зиёд касаначилик ўринлари яратилди. Натижада ишсиз юрган хотин-қизлар, уй бекалари, ёшлар, ногиронлар ва меҳнат бозорида эркин рақобат қилиш имконияти чекланган шахслар иш билан таъминланди.

Касаначилик меҳнاتини ривожлантириш борасида мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида Президентимизнинг 2007 йил 6 апрелда қабул қилинган “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-616-сонли қарорига мувофиқ, касаначилик меҳнати тамойилларини транспорт, алоқа, қурилиш ва қурилиш индустрияси тармоқларининг йирик корхоналарига ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш

билан шуғулланувчи кичик саноат корхоналарига ҳам қўллаш белгилаб қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли бандлиги ва даромад манбаининг янги шакли ҳисобланган касаначилик меҳнатининг ривожланиши ва бу борада мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланишга олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли қарори билан белгиланган чорвачиликни изчил ривожлантиришни амалга ошириш жараёнида, бандликка қўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан шахсий ва деҳқончилик хўжаликларида йирик шохли қора мол етиштириш билан банд бўлган 101,8 минг аҳоли рўйхатга олинди. Уларнинг барчаларига меҳнат дафтарчалари берилди. Айни вақтга келиб, меҳнат органлари томонидан йирик шохли қорамол етиштириш билан банд бўлган рўйхатга олинган аҳоли сони 130 минг кишига етди ёки банд бўлганлар умумий сонининг 11 фоизини ташкил қилади.

Янги иш ўринлари яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли катта бўлмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг қатор хусусиятларига кўра меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражаси ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

Биринчидан, бу соҳа кам капитал сиғимида эга янги иш ўринларини тез ташкил этишга қодир. Яъни, кичик корхоналарда ҳар бир иш ўрнига капитал сарфи йирик корхоналардагига нисбатан анча кам бўлади.

Иккинчидан, кичик корхоналар учун капиталнинг қуйроқ техник тузилмаси хос. Яъни, кичик корхоналарда йирик корхоналарга нисбатан меҳнат бирлигига ишлатилаётган ишлаб чиқариш воситалари бирлиги кўпроқ тўғри келади.

Учинчидан, кичик бизнес иқтисодий фаол аҳолининг иш билан банд бўлишига маъқулроқдир. Чунки, бу уларга ташаббус кўрсатиш ва ижодий ғояларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратади.

Тўртинчидан, бевосита кичик корхоналарда иш билан бандликнинг мослашувчан шакллари қўллаш мумкин. Хўжалик юритишнинг бу

субъектларидаги тўлиқсиз бўлмаган иш куни ёки ҳафтаси, ўриндошлик, сирпанувчан иш графиги меҳнатга лаёқатли аҳолининг турли тоифалари учун мақбул бўлади.

Бешинчидан, кичик бизнес асосан меҳнат сиғими кўп талаб этиладиган тармоқларда жадал ривожланиб, ижтимоий меҳнатни ташкил қилишнинг улкан соҳаси, давлат ва маҳаллий бюджетларга молиявий тушумларнинг муҳим манбаси ҳисобланади.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу афзалликларидан самарали фойдаланилмоқда ҳамда 2011 йилда иқтисодиётнинг бу секторида 33050 тадан кўпроқ янги иш ўринлари ташкил этилди (3.1.4-расм).



3.1.4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилган иш ўринлари, бирлик

3.1.4-расмдан кўриниб турганидек, 2007-2011 йиллар давомида республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилган янги иш ўринлари сони бир меъёрда ортиб борган, яъни ўтган беш йилда

унинг сони 3,1 мартага ортган.

Шундай қилиб, вилоятда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида қатор ижобий тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”да ҳам бундай тадбирлар, айниқса меҳнатга лаёқатли аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш, иқтисодийтимиз учун истиқболли ва зарур бўлган тармоқлар учун янги касблар ва мутахассисликларга ўқитиш, малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш муҳим ўрин эгаллайди.

3.2. Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари

Республикаимизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқининг фаровон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади.

Истиқболда иқтисодий тармоқларида ҳам ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолат ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши асосида рўй беради.

Умумий саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда истиқболда ўзгаришлар саноат соҳасига талаб натижасида содир бўлади, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарнинг ривожланиш ҳисобига бу соҳа янада юксалади. Савдо айланмасининг тўлиқ мувофиқлашуви натижасида бу соҳада кўрсаткич улуши пасайиши содир бўлади.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз тараққиётида, авваламбор, халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ

бўлмоқдамиз. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам мустаҳкам пойдеворига айланиб, янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир¹⁶».

Туманларнинг машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, айниқса, трикотаж, тикувчилик буюмлари тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳаларида кичик бизнеснинг ўрни ва улуши етарли даражада эмас. Ваҳоланки барча соҳада ишлаб чиқариш фаоллиги тенглашса, ижобий натижаларга эришамиз.

3.2.1-жадвал

Республика ЯИМда ҳудудлардаги кичик корхоналарнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушининг истиқболда ўсиб бориши (фоиз ҳисобида)*

Республика ҳудудлари	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2015 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши
Ўзбекистон Республикаси	31,0	38,2	52,1	66,1	213,2
Андижон вилояти	32,9	38,7	49,9	61,1	185,7
Наманган вилояти	33,4	51,4	75,4	81,4	243,7
Фарғона вилояти	32,0	43,9	64,7	82,3	257,2

*Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси асосида ҳисобланди.

Республикаимизда кичик корхоналар томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини яратилган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин. Бизнинг ҳисобларимизга кўра, 2015 йилга бориб, республика бўйича кичик бизнеснинг ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмидаги улушини 66,1 фоизга, Андижон вилоятини ЯХМ ҳажмидаги улуши 61,1 фоизга етказиш, кичик тадбиркорлик корхоналарининг йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 2,5 фоиздан кам бўлмаган ҳолатдагина амалга ошади.

¹⁶ Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлади / 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлаган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // – Т. Халқ сўзи, 2012, 20 январь, № 14 (5534), –2 б.

Бунинг учун ҳудудлардаги кичик тадбиркорлик корхоналарнинг республика бўйича ишлаб чиқарилган ЯИМ даги улуши истикболда қўйидаги ҳолатда ўсиб боришига эришиш зарур (3.1.1-жадвал).

Албатта бу кўрсаткич ривожланган давлатларда, масалан АҚШ да 75-82 фоиз, Японияда 81 фоизни, Италияда 74 фоизни ташкил этади. Республикамиз кичик бизнеснинг бундай кўрсаткичларга эришиши тадбиркорлик фаоллиги орқали амалга ошади. Истикболда кутиладиган натижалар асосан кичик тадбиркорликнинг фаол ривожланиши эвазига рўй беради. Бу эса улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорининг ўсиш динамикасини таъминлайди(3.2.2-жадвал).

3.2.2-жадвал

Истикболда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик корхоналари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши (млн. сўм ҳисобида)

Ҳудудлар	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2015 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши фоиз
Ўзбекистон Республикаси	892573,0	956838,2	1089938,7	1223039,2	137,0
Андижон	70178,8	74249,1	82564,9	90880,7	129,5
Наманган	50919,4	60084,8	74505,1	88925,4	174,6
Фарғона	104838,6	117314,3	141715,6	166116,9	158,5

**Ўзбекистон статистикаси ахборотномаси асосида ҳисобланди.*

Ҳудудлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг истикболда ўсиб бориш динамикасини корхоналар миқдорининг ўсиб бориш ҳолати бўйича таҳлил этсак, бу ҳолат қўшимча янги кичик корхоналарнинг ташкил этилиши ҳисобига амалга ошади.

Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳудудларда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши таъминланади. Жумладан, кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига истикболда кўзланган натижаларга эришиш таъминланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан мамлакатимизда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим соҳага айланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Биз битирув малакавий ишимизни Андижон вилоятида меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишда кичик бизнес корхоналарининг ўрни мавзусини ҳам назарий, ҳам амалий ўрганиш, таҳлил қилиш асносида қуйидаги хулоса ва таклифларни беришни лозим топдик:

1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кадрлар салоҳияти энг долзарблиги, асосан уни барча тармоқда меҳнат ресурсларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни малакасини ошириш ва кадрлар салоҳияти ошириш зарурлиги;
2. Кадрларни бошқариш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш;
3. 2007-2011 йиллар давомида республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилган янги иш ўринлари сони бир меъёрга ортиб борган, яъни ўтган беш йилда унинг сони 3,1 мартага ортган.
4. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб айтганда 2011 йилда вилоятимизнинг 50 га яқин йирик саноат корхоналарида 6,5 мингдан зиёд касаначилик ўринлари яратилди. Натижада ишсиз юрган хотин-қизлар, уй бекалари, ёшлар, ногиронлар ва меҳнат бозорида эркин рақобат қилиш имконияти чекланган шахслар иш билан таъминланди.
5. Вилоятимизда 2011 йилда яратилган жами 80,6 мингдан ортиқ янги иш ўринларининг 36,6 фоизи кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш, 13,6 фоизи якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, 21,9 фоизи уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш ҳисобига ташкил этди;
6. 2009-2011 йилларда кадрларни ишга қабул қилиш коэффиценти, кадрлар кўнимсизлиги ва кадрлар салоҳиятини айланиш коэффицентларини айниқлаймиз. Жумладан, корхонада кадрлар кўнимсизлиги даражаси ишга қабул қилинганлар ва ишдан чиқиб кетганлар ҳамда жами ишчилар сонига бўлиш орқали аниқланади. Бу кўрсаткичлар 2009 йилда корхонада ишга қабул қилиш 3,9 фоизни ва 2011 йилда 10,8 фоизни ташкил этган.

Уларнинг қўнимсизлик даражаси 2009 йилда 3,2%ни, 2010 йилда 1,7%ни ташкил этган.

7. Иқтисодийни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида персонални бошқариш ва кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича илмий текшириш институтлари, назариётчи ва амалиётчи олимлар билан яқиндан амалий алоқаларни йўлга қўйиш;
8. Корхонада ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш масалалари юзасидан янги замонавий технологиялар билан ишловчи кадрларни жой жойига қўйиш ва улардан самарали фойдаланиш;

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишда кичик бизнес корхоналарини ривожлантириш масалаларига йўналтирилган илмий таклиф ва амалий тавсияларимиз қуйидагилардан иборат:

-биринчидан, бу соҳа кам капитал сиғимига эга янги иш ўринларини тез ташкил этишга қодир. яъни, кичик корхоналарда ҳар бир иш ўрнига капитал сарфи йирик корхоналардагига нисбатан анча кам бўлади.

-иккинчидан, кичик корхоналар учун капиталнинг қуйроқ техник тузилмаси хос. яъни, кичик корхоналарда йирик корхоналарга нисбатан меҳнат бирлигига ишлатилаётган ишлаб чиқариш воситалари бирлиги кўпроқ тўғри келади.

-учинчидан, кичик бизнес иқтисодий фаол аҳолининг иш билан банд бўлишига маъқулроқдир. чунки, бу уларга ташаббус кўрсатиш ва ижодий ғояларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратади.

-тўртинчидан, бевосита кичик корхоналарда иш билан бандликнинг мослашувчан шакллари қўллаш мумкин. хўжалик юритишнинг бу субъектларидаги тўлиқсиз бўлмаган иш куни ёки ҳафтаси, ўриндошлик, сирпанувчан иш графиги меҳнатга лаёқатли аҳолининг турли тоифалари учун мақбул бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т «Ўзбекистон» 1992
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.- Т. «Адолат» 1996
3. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни (Янги таҳрир). – Т. «Адолат» 1998
4. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент. 1998
5. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Қонуни.-Т. «Адолат» 1992.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.-Т. «Ўзбекистон» 1998
7. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлади / 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлаган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // – Т. Халқ сўзи, 2012, 20 январь, № 14 (5534), –2 б.
8. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январь, №16(5183).
9. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисордий ислохотларни чуқурлаштириш йулида «Тошкент». «Ўзбекистон». 1996.
10. Каримов И.А.Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари.- Т. «Ўзбекистон» 1997
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.
12. Абдурахмонов К.Х Управление трудовым потенциалом региона. - Т. «Меҳнат», 1994,
13. Абдурахмонов К.Х , Ш.Р.Холмуминов Персонални бошқариш “Уқитувчи” нашриёт матбаа ижодий уйи. Т.: 2008 й.
14. Абдурахмонов К.Х., Мамарасулов Ф.У.Меҳнат иқтисоди (Услубий қўлланма) - Т.1996
15. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти(назария ва амалиёт). Дарслик. –Тошкент, -Меҳнат, 2004. 215 б.
16. Абдурахмонов Қ.Х ва бошқалар. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. - Т.: «Уқитувчи», 2001.

17. В.Тен, Н.Зияева, «Кредит и его роль в экономическом росте», «Бозор, пул ва кредит» журналы, 2003 й., 7-сон, - Б. 11.,
18. Волгин А.П., Матирко В.П. Модин А.А. Управление персоналом в условиях рыночной экономики: опыт ФРГ. М. 1992.
19. Егоршин А.П. Управление персоналом: Учебное пособие, Н.Новгород: НИМБ, 1996.
20. Иқтисодиёт ва таълим №1 2002 йил 21-бет
21. Кадрлар масалалари буйича маълумотнома №12 2008 йил 31-бет.
22. Маслов Е.В. Управление персоналом предприятие (Учебное пособие). М. «Новосбирск», 1998.
23. Муфтайдинов Қ. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Док. дис. автореферат.- Т.: 2004.- Б.45.
24. Назаров А.Ш. Нормирование труда (Учебник). – Т.1990.
25. Одегов Ю.Г. Маусов Н.К., Кулапов М.Н. Эффективность системы управления персоналом (учебное пособие). М, РЭА им. Г.В. Плеханова, 1996.
26. Одегов Ю.Г., Журавлев П.В. управление персоналом (учебник). – М.1997.
27. Одегов Ю.Г., Маусов Н.К, Кулапов М.Н., Эффективность системы управления-персоналом, (Учебное пособие), М, РЕА им. Г.В. Плеханова, 1993
28. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. –Тошкент, Мехнат, 2004, -135 бет.
29. Персонал. Словарь-справочник,- М.РЭА им. Г.В. Плеханова, 1994.
30. Петроченко П.Ф. Анализ трудовых показателей: (учебное пособие). М.«Экономика»1989.
31. Петроченко П.Ф. Анализ трудовьк показатеяей. - М.: «Экономика», 1989.
32. Попов Л.А. Анализ и модеяирование трудовнх показателей. - М.: «Финанси и статистика», 1999.
33. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. — Мн.: «Новое знание», 2001.
34. Слизингер Г.Э. Труд в условиях Рыночной экономики. Учебное пособие. - М. Инфра – М.,1996.
35. Ф.Каримов, Э.Махмудов, «Малому бизнесу – новый импульс», «Менинг мулким – Частная собственность» газетаси, 2005 й., 10-сон, - Б. 5.
36. Ф.Муллажонов, «Ўзбекистон банк тизими: эркинлаштириш ва ривожлантириш истиқболлари», «Бозор, пул ва кредит» журналы, 2003 й., 8-сон, - Б. 3.,
37. Человек и труд 1/2008 29 – стр.
38. Экономика и социология труда: (Учебное пособие) Под ред. Адамчука В.В. ВЗФЭИ - М. « экономическое образование», 1994.
39. Экономика труда: (Учебник). Под ред. Жукова М.И., Погосяна Г.Р.-М.« Экономика», 1991.
40. Экономический вестник Ўзбекистана 1-2/2003 44 – стр.
41. Экономический вестник Ўзбекистана 1-2/2003 44-стр.

42. <http://can.naytov.com>.
43. [www. Litera.ru](http://www.Litera.ru).
44. [www. Plekhanov.ru](http://www.Plekhanov.ru).
45. www.cer.uz.
46. www.referat.uz.